ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАГИ ЎРНИ

Бекмуродов Абдувоҳид Абдуманнон ўғли
Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги
Тергов бошқармаси кадрлар гуруҳи катта инспектори
E-mail: abduvohidbekmurodov@gmail.com
Тел: +998974779488

Аннотатсия: *Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тергов бўлинмаларининг ташкил топиши, ривожланиш босқичлари ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлил қилинган. Тергов хизматининг 1917 йилдан бошланган тарихи, совет давридаги ташкилий ўзгаришлар, 1963 йилда ички ишлар органларида мустақил тергов хизматининг ташкил этилиши ва мустақиллик йилларида унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнлари ёритилган. Шунингдек, 2017 йилдан кейин амалга оширилган рақамлаштириш, процессуал мустақилликни таъминлаш, суриштирув институтини жорий этиш каби ислоҳотларнинг аҳамияти очиб берилган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда адолатли судловни таъминлашда тергов органларининг ўрни тобора ортиб бормоқда.*

Калит сўзлар: *Тергов, ички ишлар органлари, жиноят-процессуал кодекс, суриштирув, Тергов департаменти, ҳуқуқий ислоҳотлар, криминалистика, процессуал мустақиллик.*

Кириш: Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида тергов органлари муҳим ўрин тутади. Жиноятларни ўз вақтида фош этиш, айбдорларни аниқлаш ва адолатли жазо тайинланишига асос яратиш тергов хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу боис тергов органларининг шаклланиш тарихи ва уларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тергов бўлинмаларининг ташкил топиши мамлакатдаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Тергов хизмати фаолиятининг илк шакллари 1917 йилдан кейин совет давлатчилиги ташкил топиши жараёнида вужудга келган. Кейинчалик мазкур тизим турли босқичларда такомиллаштирилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида замонавий ҳуқуқий давлат талаблари асосида қайта ислоҳ қилинди. Бугунги кунда тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва процессуал мустақилликни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан тергов хизмати тарихини ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Асосий қисм: Тергов хизматининг илк шаклланиш босқичлари;

1917 йил октябрь воқеаларидан кейин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тергов комиссиялари ташкил қилиниб, улар советлар ва инқилобий трибуналлар қошида фаолият юритган. Бу даврда тергов жараёнлари асосан суд тизими билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Суд ҳақидаги 1-, 2- ва 3-сонли декретлар орқали турли тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш тартиби белгиланган. 1918 йил сентябрь ойида Туркистон ўлка марказий ижроия қўмитаси қошида Фавқулодда тергов комиссияси ташкил этилди. Мазкур орган аксилинқилобчилик, қалбаки пул тайёрлаш, бандитизм ва олиб-сотарлик жиноятларини тергов қилиш билан шуғулланган. 1919 йилга келиб эса тергов органлари

марказлаштирилди. 1923 йилда қабул қилинган “Судлов ҳақидаги низом” асосида прокуратура назорати остидаги тергов аппарати ташкил этилди. 1926 йилги Жиноят-процессуал кодекси терговчилар ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди. Шу даврда ҳарбий жиноятлар бўйича ҳарбий терговчилар фаолият юритган. 1928 йилда Ўзбекистон Давлат прокуратурасининг ташкил этилиши тергов аппаратининг прокуратура тасарруфига ўтишига сабаб бўлди. Бу эса тергов фаолиятини марказлаштириш ва назоратни кучайтиришга хизмат қилди.

Ички ишлар органларида тергов хизматининг ташкил этилиши: 1963 йил 6 апрелда Собиқ Иттифоқ Олий Кенгаши Раёсатининг “Жамоат тартибини сақлаш органларига дастлабки терговни олиб бориш ҳуқуқини бериш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ички ишлар органлари тизимида мустақил тергов хизматини ташкил этиш учун асос бўлди. 1963 йил 1 июлдан бошлаб ички ишлар органларида тергов бўлинмалари расман ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш вазирлиги таркибида Тергов бошқармаси ташкил этилди. Вилоят, шаҳар ва туман ички ишлар органларида ҳам тергов бўлимлари ва гуруҳлари шакллантирилди. Тергов хизматида олий юридик маълумотга эга мутахассисларни ишга қабул қилиш тартиби жорий қилинди. Терговчиларга процессуал мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бу эса тергов сифати ва холислигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. 1970 йиллардан бошлаб шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида тергов бўлинмалари кенгайтирилди. 1972 йилда транспорт ички ишлар бошқармасида ҳам тергов бўлими ташкил этилди. Бу даврда Акмал Аминов, Алексей Голубенко, Саркис Калустьян каби раҳбарлар тергов хизмати ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Мустақиллик йилларида тергов хизмати ислоҳотлари: 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ички ишлар тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. 1991 йил 25 октябрдаги Вазирлар

Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил этилди. 2001 йил 27 мартда Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, Тергов бошқармаси Тергов бош бошқармасига айлантирилди. Тергов жараёнига криминалистик техника ва ахборот технологияларини жорий этиш вазифаси белгиланди. 2006 йилда Ички ишлар вазири ўринбосари – Тергов бош бошқармаси бошлиғи лавозими қайта тикланди. Бу эса тергов хизматининг бошқарув тизимини янада мустаҳкамлади. 2016 йилда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ва 2017 йилдаги ПФ–5005-сонли Фармон тергов тизимида янги босқични бошлаб берди. Тергов бош бошқармаси Тергов департаментига айлантирилди. Шунингдек, суриштирув институти ташкил этилди.

Замонавий ислоҳотлар ва рақамлаштириш жараёнлари: Сўнгги йилларда тергов органларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш, видеоконференцалоқа тизимларини жорий этиш, “Tergov.uz” расмий платформасини ишга тушириш тергов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлади. Тергов бўлинмаларида “адвокатлар хонаси” ташкил этилиши фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилди. Шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш учун криминалистик полигонлар ва инновацион виртуал тергов майдончалари ташкил этилди. “Volkswagen Tredline Maxi” базасида мобил тергов лабораторияларининг яратилиши терговчиларнинг тезкорлик ва самарадорлигини оширди. Ушбу лабораторияларда дактилоскопик таҳлил, фоторабот тузиш, шахсни аниқлаш ва электрон ахборот тизимлари мавжуд. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида терговчиларнинг процессуал мустақиллиги кучайтирилди, улар

фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйилди ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Хулоса: Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тергов бўлинмаларининг ташкил топиши ва ривожланиши мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тергов хизмати 1917 йилдан бошлаб турли тарихий босқичларда шаклланиб, 1963 йилда мустақил тизим сифатида ташкил этилди. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар тергов хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштирди. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари, рақамли тизимлар ва криминалистик воситаларнинг жорий қилиниши тергов самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Бугунги кунда тергов органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, жиноятларни тез ва холисона тергов қилиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан тергов хизмати тарихи ва унинг ислоҳотларини ўрганиш келгусида соҳани янада такомиллаштириш учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2998-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов департаменти материаллари.

6. Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент, 1926.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тарихи бўйича архив материаллари.

8. Тергов фаолияти ва криминалистикага оид илмий-услубий қўлланмалар.